

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИДА ҲУҚУҚ, ҲАРБИЙ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИ

Қахрамон Усманович Умидуллаев

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий
ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)*

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразмшоҳлар давлатининг ҳуқуқ тизими, ҳарбий тузилмалари, солиқ сиёсати ҳамда ташқи алоқалари ўрганилган. Ануштегинлар сулоласи томонидан асос солинган Хоразмшоҳлар давлатида давлат ишларини юритишда шариат ва маҳаллий анъаналарнинг ўрни таҳлил қилинган. Ҳарбий, савдо ва молиявий ислохотлар таҳлил қилинган. Мазкур мавзуга оид тадқиқот ишлари, хусусан тарихий манбалар ва замонавий тадқиқотлар ўрганилган.

Калит сўзлар: Хоразмшоҳлар, ануштегинлар, шариат, ҳарбий тузилмалар, урф-одат, молиявий сиёсат, солиқ тизими.

Маълумки ўрта асрларда ҳам йирик ҳудудларни самарали бошқариш ва тартибга солиш мураккаб ҳуқуқ тизимини, солиқ ва ҳарбий тартиб қоидаларни талаб қилган. Тахминларга кўра, Хоразмшоҳлар давлатининг ҳудуди 3.6 миллион квадрат километрдан 4.2 миллион квадрат километргача бўлган майдонни эгаллаган. Айрим манбаларда қайд этилишича, XIII аср бошларида Хоразмшоҳлар давлати Ислом оламидаги энг кудратли давлат ҳисобланади¹. Ҳисоб-китобларга кўра, давлатнинг ҳудуди 4.2 миллион квадрат километрдан² 4.5 миллион квадрат километргача³ чўзилган.

Мамлакат Тожиддин Эл-Арслон (1156-1172) даврида сезиларли даражада кенгайган. Унинг ҳукмронлиги даврида Хоразм атрофидаги ҳудудлар босиб олинган ва давлатнинг сиёсий нуфузи янада ортган. Бироқ Хоразмшоҳлар давлатининг кенгайиши ва кучли, марказлашган даври Алоуддин Такаш (1172-

¹ Bosworth, C.E. [History of Civilizations of Central Asia](#) (en). UNESCO, 1 January 1998 — 164-bet. ISBN 978-92-3-103467-1. „This dynasty eventually built up, as the Seljuq empire in the east tottered to its close, the most powerful and aggressively expansionist empire in the Persian lands, in the end defeating their rivals for control of Khurasan, the Ghurids of Afghanistan, threatening western Persia and Iraq and the Abbasid caliphate itself, and only disintegrating under the overwhelming military might of the Mongol invaders in the opening decades of the thirteenth century.

² Turchin, Peter; Adams, Jonathan M.; Hall, Thomas D (December 2006). [“East-West Orientation Of Historical Empires”](#). Journal of World-Systems Research 12 (2): 222. ISSN 1076-156X. Qaraldi: 12 September 2016. Xorazmshohlar davlati

³ Rein Taagepera (September 1997). [“Expansion and Contraction Patterns of Large Polities: Context for Russia”](#). International Studies Quarterly 41 (3): 497. doi:10.1111/0020-8833.00053.

1200) ва унинг ўғли Аловуддин Муҳаммад (1200-1220) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Хоразмшоҳлар айнан шу даврда кучли давлатга айланган ва ўзининг сиёсий ва ҳарбий қудратини намоиш этган. Манбаларда қайд этилишича Хоразмшоҳлар давлати ривожланган даврларида шимолда Каспий денгизининг шимолий соҳилларига, Жанубда Ҳиндукуш тоғларига, Шарқда Қашқаргача етган.

Хоразмшоҳлар давлатининг ҳуқуқий тизими мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, икки асосий манба – шариат қонунлари ва маҳаллий урф-одатларнинг бирикмасидан ташкил топган ҳамда давлатнинг кенг ҳудудлари ва турли этник-диний жамоаларни қамраб олган хусусиятлар асосида шаклланган.

“Давлат мусулмон оламида қабул қилинган қонун чиқарувчи – даргоҳ ҳамда ижроия – девонлар тизимида бошқарилган, давлат бошлиғи султон ҳокимиятининг ҳуқуқлари ҳеч бир қонун-қоида билан чегараланмаган. Салтанатни ҳокимлар, ноиблар, вазирлар, лашкар бошлиқларидан иборат кучли ҳарбий асилзода гуруҳлар, муставфий (дафтардор ҳисобчилар), қозилар, садрлар ва бошқа кўплаб сарой мансабларидан иборат улкан аркони давлат доираси қуршаб турган”⁴.

Хоразмшоҳлар шариат қоидаларини давлат бошқарувининг асосий йўриқномаси сифатида қабул қилган бўлсалар-да, амалий бошқарувда маҳаллий анъаналар ва урф-одатларни ҳам кенг миқёсда қўллаган. Бу ёндашув давлатнинг турли маданий ва ижтимоий шароитда самарали фаолият юритишига имкон берган. Шариат қонунларининг қўлланилиши асосан диний масалалар, никоҳ ва оила муносабатлари, мерос тақсимооти, жиноят ва жазо масалаларида устунлик қилган. Бироқ маҳаллий урф-одатлар савдо-сотиқ муносабатлари, ер-сув масалалари, қишлоқ хўжалиги ишлари ва баъзи фуқаролик низоларида кенг қўлланилган. Бу икки ҳуқуқий тизимнинг мувофиқлаштириш жараёни Хоразмшоҳлар даври ҳуқуқшунослигининг ўзига хос хусусиятини ташкил этган⁵.

Хоразмшоҳлар давлатида қозилик (судя) институти юқори даражада ривожланган ва иерархик тарзда ташкил этилган. Суд тизими бир нечта даражадан иборат бўлиб, ҳар бир даража ўзининг ваколат ва масъулият доирасига эга бўлган. Бу борада энг юқори даража – Қози ал-қузот (Бош қози) лавозими бўлиб, у бевосита Хоразмшоҳга бўйсунган ва давлатнинг барча ҳуқуқий масалалари бўйича якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Қози ал-қузотдан нафақат юқори даражадаги ҳуқуқий билимга эга бўлиш, айти пайтда давлат сиёсатини ҳам чуқур тушуниши талаб қилинган. Вилоят ва шаҳар

⁴ <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/78>

⁵ K.E.Bosworth. The medieval history of Iran, Afghanistan, and Central Asia. T.: London : Variorum Reprints, 1977. – P. 311-321

даражасидаги қозилар маҳаллий ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланган. Улар ўз ҳудудларидаги барча фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо мураккаб ва муҳим масалаларни юқори даражадаги қозиларга ҳавола қилишлари керак бўлган⁶.

Хоразмшоҳлар давлатида ҳуқуқий жараёнлар аниқ тартиб-қоидалар асосида амалга оширилган. Хусусан, суд жараёнида гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар таҳлили ва бошқа ҳуқуқий асослар аниқ келтирилган. Қозилар нафақат қонунни қўллаш, балки талқин қилиш ва аниқ вазиятларга мослаш вазифасини ҳам бажарган. Жиноят ишларида жазо чоралари шариат қоидаларига мувофиқ белгиланган бўлса-да, баъзи ҳолларда маҳаллий анъаналар ҳисобга олинган. Фуқаролик ишларида, айниқса иқтисодий низоларда, маҳаллий савдо анъаналари ва урф-одатлар аҳамият касб этган.

Давлатнинг турли қисмларида ҳуқуқий амалиёт маълум даражада фарқланиши мумкин бўлган, чунки маҳаллий шароитлар ва анъаналар ҳисобга олинган. Бироқ асосий ҳуқуқий тамойилар ва жараёнлар бутун давлат бўйлаб ягона стандартларга мувофиқ амалга оширилган.

Хоразмшоҳлар даври ҳуқуқий тизимининг самарадорлиги малакали кадрлар билан таъминлангани билан ҳам ажралиб туради. Қозиларнинг тайёрланиши узоқ ва мураккаб жараён бўлиб, улар нафақат шариат қонунларини, балки маҳаллий урф-одатлар, давлат бошқаруви асослари ҳам билишлари керак бўлган. Йирик шаҳарлар ва маданий марказларда ҳуқуқий таълим муассасалари фаолият юритган, бу ерда бўлажак қозилар ва ҳуқуқшунослар тайёрланган. Бу таълим тизими давлатнинг ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши ва сақланишига ҳам хизмат қилган.

Умуман олганда, Хоразмшоҳлар даври ҳуқуқий тизими ўрта аср Ислом ҳуқуқшунослигининг етук намуналаридан бири бўлиб, шариат ва маҳаллий анъаналарнинг муваффақиятли синтези орқали кенг ва хилма-хил давлатни самарали бошқаришга имкон берган.

Қуйида Хоразмшоҳлар давлати ҳуқуқ тизими борасида Мерям Гурбуз томонидан Хоразмшоҳларда давлат ташкилотлари, иқтисодий ва маданий ҳаёт мавзусида ёзилган Назарбек Раҳим томонидан таржима қилинган ишидан айрим иқтибослар келтирилди⁷.

Қайд этилишича, Хоразмшоҳлар давлатида Қозилар шаръий ҳукмларга кўра қарор қилган. Судялар давлат тайинлаган шаҳарларда адолатни таъминлаш

⁶ Империя Хорезмшахов. Станислав Чернявский – М.: Вече, 2018. – С. 91-95.

⁷ М.Гурбуз. Хоразмшоҳларда давлат ташкилотлари, иқтисодий ва маданий ҳаёт. “Огахий” нашриёт матбаа. Урганч-2022. – Б. 240-245. [file:///C:/Users/Davlat%20va%20huquq/Desktop/XOPAZM/\(PDF\)%20XOPAZMШОХЛАРДА%20ДАВЛАТ%20ТАШКИЛОТИ,%20ИҚТИСОДИЙ%20ВА%20МАДАНИЙ%20ҲАЁТ.html](file:///C:/Users/Davlat%20va%20huquq/Desktop/XOPAZM/(PDF)%20XOPAZMШОХЛАРДА%20ДАВЛАТ%20ТАШКИЛОТИ,%20ИҚТИСОДИЙ%20ВА%20МАДАНИЙ%20ҲАЁТ.html)

учун хизмат қилган. Суд тизимининг бошида “Қозиюл куззот” турган⁸. Хоразмшоҳлар даврига оид бўлган ҳужжатлар орасида қози ва қозиюл куззотларни тайинлаш ҳақидаги подшоҳ фармони (маншур) бизнинг давримизгача етиб келган. Мисол учун «Абкоруъл-афкор»нинг иккинчи мактуби, “Хоразм қозилиги маншури⁹”дир.

“Маншур (подшоҳ фармони) қозиюл куззот сифатида тайинланган “фалон” кишининг хусусиятлари мадҳ этилиши билан бошланади ва Хоразм қозилиги мақомининг унга берилганлиги кўрсатилганидан кейин ундан қилиниши талаб қилинганлар тушунтирилади. Ҳужжатда “Қозиюл куззот”лик мақоми “дин ва шарият ишларининг энг буюклари” сифатида таърифланган. Мухотибдан (нутқ қаратилган кишидан), энг аввало, тақво эгаси бўлиши кераклиги талаб қилинмоқда, кейин эса Қуръонга бўйсунуши, амал қилиши ва уни йўл кўрсатувчи сифатида кўз ўнгида тутиб, чиқармоқчи бўлган қарорларни оятларга асосланган бўлиши кераклиги эслатилган.

“Ҳужжатдан аён бўлишига кўра, адолат олдида ҳамма тенгдир. Чунки қозиюл куззотга “кучлига ва заифга нисбатан бир хил тарзда муомалада бўлиш” буюрилган. Ҳужжатда бу мақомнинг мажбуриятларига доир ҳам маълумотлар мавжуд. Етимлар молларининг ҳимоя қилиниши, мерос ва васият ишларининг дин қоидаларига кўра юритилиши кераклиги унинг мажбуриятидир”¹⁰.

“Бир минтақанинг идораси Қозиюл куззотга берилгандир. Катта эҳтимолда ўзи ўша жойга бориб идора қилмагандир. Ноибларининг воситаси билан у бу вазифани бажаргандир. Ҳар ҳолда, кўрсатган муваффақиятларининг бир мукофоти сифатида минтақани идора қилишлик Қозиюлқуззотга берилгандир. Суд жараёнларининг қандай амалга оширилиши кераклиги ҳам ҳужжатларимизда тушунтирилмоқдадир. Суд жараёнида ҳукм чиқараётганда “икки томон гапларини тўғрилигини исботловчи бир қулоқ билан тинглаш керак”дир¹¹. Қозилар керак бўлганида бир масалада ҳукмдорга маслаҳатчи ҳам бўлардилар. Султон қилмоқчи бўлган бир ишининг шаръий бўлиб-бўлмаслиги ҳақида улардан маслаҳат сўраб фатво олиши мумкин эди.

Мисол учун, Хоразмшоҳ Отсиз Рашидиддин Вотвот томонидан қаламга олинган ва халифа Муқтафий-Лиамриллоҳга юборган мактубда Султон Санжарнинг Ҳазораспни қамал қилишидан шикоят қилиб шундай деган эди: “Шундан кейин бу қул ҳам қозилар ва фақиҳларни тўплаб улардан бу душман билан жанг қилиш шаръий бўлиб-бўлмаганига доир бир фатво сўради. Улар ҳам

⁸ Шукру ўзан «Қозиюл куззот», ДИҚ, XXIV жилд, 77-82 сах.

⁹ Рашидуддин Ботбот, «Абкоруъл-афкор», 34-37 варак; Тўйсарконий, н.а.а, 74-77 сах.

¹⁰ Рашидуддин Ботбот, н.а.а, ўша жой; Тўйсарконий, н.а.а, 74 сах.

¹¹ Бағдодий, н.а.а, 53 сах

бир оғиздан уни енганинг Аллоҳ томонидан мукофотлантирилажагини айтдилар”¹².

“Аслида, кўринганидек фатвога сиёсат аралашди. Ҳукмдорнинг сиёсатига қарши бир фатво бериш мумкин бўлиб кўринмаяпти. Бўлмаса икки мусулмон ҳукмдорнинг жанг қилиши дин томонидан тўғри эканлигини кўрсатувчи ҳеч бир далил йўқ. Отсиз бунинг ҳам чорасини қилган эди, олдини олган эди. Худди ўша мактубдан тушуниб оламизки, Султон Санжарни ўтган жойларидаги мусулмон аҳолини ўлдирганликда ва у жойларни ёқиб йиққанликда айбламоқдадир”¹³.

Ҳукмдорлар қозилар билан маслаҳатлашиб қилмоқчи бўлган ишларига доир фатволар олардилар. Лекин шуни унутмаслигимиз керакки, бу фатволарнинг бажартириш кучи йўқ эди. Охирги сўз Султонга тегишли эди ва қозилар фақат маслаҳатчилик хизматини қилардилар. Қозилардан илм эгаси бўлишлари кутиларди. Ҳақиқатан ҳам, манбаларимизда учраганлари тез-тез бу жиҳатлари ва фазилатлари билан мадҳ қилинадилар.

“Қозилар баъзан элчилик вазифаси билан, баъзан эса музокарачи сифатида олдимиздан чиқмоқдалар. Ибн Бибининг тушунтиришларига кўра, Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Ҳиндистондан қайтгач, Мароғода давлатининг таниқли одамлари билан йиғилиш ўтказиб Туркия Салжуқий Султони Алоуддин билан дўстлик муносабатини ўрнатиш ва тинчлик муҳитини яратиш мақсадида унга элчилар бир мактуб юборишга қарор қилган эди. Бу мактубни қозиюл қуззот Мужируддин Тохир б. Умар ал-Хоразмий қаламга олган эди. Бу ерда номи айтиб ўтилган қозиюл қуззот олим бир зот ўлароқ мадҳ этилмоқда ва фикҳ ва фалсафа соҳаларидаги мутахассислиги сабабли эътироф этилмоқдадир. Айни пайтда машҳур бир олим бўлган Мужириддин бу мактуб билан бирга элчилик вазифаси билан ҳам йўлга чиққан эди”¹⁴.

“Қўшин ичида аскарларнинг даъволарини кўриб чиқадиган қозилар хизмат қиларди. Сафар, юриш пайтида ҳам ҳукмдорларнинг ёнидан жой олган қўшин қозилари бу пайтда қўшин мансублари орасидан чиққан ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилардилар¹⁵. Султон Алоуддин Муҳаммад даврида Нишопурда қўшин қозилиги (қозиюл-лашкар) мақомида Садруддин-и Жандий турган эди. Маълум бўлишича, қўшин қозисининг амрида вакил ва ноиблар ишлардилар¹⁶. Садруддин-и Жандий оталарининг Султон Такашга қилган хизматлари туфайли Султон Алоуддин Муҳаммад наздида ҳурмат эътибор кўрарди. Султон уни бу

¹² Хўрест, 3 ДМГ, 32 с.

¹³ Хўрест, ўша жой.

¹⁴ Ибн Биби, н.а.а., 1-жилд, 375-377 с.

¹⁵ Махмат Ипширли, «Козаскар» ДИҚ, XXV жилд, 140 сах; Cl, Huait, «Karaskar» И. Қ. VI жилд, 522 сах.

¹⁶ Насавий, форсча, 42 сах.

хизматга келтирганида унга қимматбаҳо ҳадялар, кийим-кечаклар берган эдики, булар орасида от ва туғ ҳам бор эди”¹⁷.

“Хоразм яхши тайёргарлик кўрган доимий армияга эга эди. Доимий армия асосан туркийлардан тузилган бўлиб, қўшин бўлинмалар қабилачилик асосида тузилган эди. 1195 йилги ҳарбий реестрга кўра Хоразмшоҳлар 170 мингдан зиёд доимий армияга эга эди. Баъзи тарихий маълумотларда Хоразмда 400 мингли армия борлиги қайд этилган. Хоразмшоҳларнинг шунингдек куллардан тузилган шахсий гвардияси (харас) ҳам бор эди. Харас кўпроқ савдо карвонларини кузатиб борган. Қўшинларнинг бош бошқармаси девон-алжойиш бўлиб, уни шоҳ тайинлайдиган соҳиб - ал-жойиш (девон) - моҳиб девон ал-ард бошқарган. Баъзи манбаларда умумҳарбий бошқарув органи диван-и арз дар жумлаи-мамолик деб аталади. (Рашид-ад-дин Вад-вад тўпламида). Девон-ал-жойиш ҳарбийларга берилган икта ишларини, ҳамма унвондаги ҳарбийларга маош ва бошқа тўловларни, қўшинларни ва уларнинг қуролланиши рўйхатга олиш, жангчиларга маошни (арзак) ўз вақтида тўланишини, уларнинг барча зарур анжомлар билан таъминланишини текшириб турган. Катта вилоятларда маҳаллий ҳарбий бошқармалар ҳам тузилган. Хоразмшоҳлар армиясидаги энг муҳим мансаблардан иккинчиси ҳарбий назоратчи – назир-ал эди. У ҳам соҳиб-ал-дивон ал-жойиш назорати остида иш олиб борган. Армия қўмондонлари қайд ёки муқаддам деб аталиб, энг ишбилармон, эпчил амирлар (лашкарбошилар) шу мансабга тайинланган. Баъзи ҳолларда вилоят ҳокимлари айни бир вақтнинг ўзида маҳаллий қўшинларга ҳам қўмондонлик қилган. Вилоят қўшинлари қўмондони ҳам соҳиб-ал-жойиш унвонига эга бўлган. Янги вилоятларни босиб олгандан сўнг, шу ҳудуд ерлари амирларга икта тарзида инъом қилинган ва алоҳида хизмат кўрсатган амирларга амир-ул-умаро унвони берилиб, шу ҳудудига амирлар оқсоқоли этиб тайинланган. Хоразмшоҳлар армиясида алоқачилар, разведкачилар бўлиб, уларни гўвушлар ва жосузлар деб аташган. Жосузлар ғанимнинг қўшинлари ҳолати, унинг ҳаракати ва мақсадлари ҳақида маълумот тўпланган. Армияда диний ишларга қози-йи-хашам ёки қози-ал-аскар раҳбарлик қилган. Хоразм қўшинлари яхши қуролланган бўлиб, одатдаги қилич, найза, камон, манжаниқ ва бошқалардан фойдаланган”¹⁸.

Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий кучи ўз даврининг энг мукаммал қўшинларидан бири бўлиб, юқори ташкилотчилик ва профессионал тайёргарлик билан ажралиб турган. Бу ҳарбий тизим давлатнинг кенг ҳудудларини ҳимоя қилиш, ички тартиб-интизомни сақлаш ва кенгайтиш сиёсатини амалга ошириш учун пухта ишлаб чиқилган.

¹⁷ Насавий, форсча, ўша жой.

¹⁸ <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/78>

Ибн ал-Асирнинг “Ал-Комил фит-таърих” асарида келтирилган муҳим маълумотларга кўра, Хоразмшоҳ қўшини икки асосий қисм: доимий ва маҳаллий қўшинлардан ташкил топган. Хоразмшоҳлар армиясида асосий қисмдан ташқари шахсий муҳофаза қўшини (харас) ҳам бўлиб, у мамлуклар (қул аскарлар) дан ташкил топган ва профессионал жангчилардан иборат бўлган. Бу қўшин юқори тактика ва жанг маҳоратига эга бўлиб, ўз даврининг энг қудратли ҳарбий кучларидан бири ҳисобланган¹⁹.

Ҳарбий тизимнинг бундай тузилиши давлатнинг стратегик мақсадларига мувофиқ бўлиб, муҳофаа ва бошқа давлатлар билан жанглари самарали амалга ошириш учун мўлжалланган. Қўшиннинг икки қисми тузилиши ресурсларга тежамкор ёндашишни таъминлаган ҳолда, зарурат туғилганда тез ўрнини тўлдириш, қўшин сонини кўпайтириш имконини берган.

Доимий қўшин хоразмшоҳлар ҳарбий тизимининг асосий кучи бўлиб, давлатнинг доимий ҳарбий қудратини таъминловчи профессионал армия эди. Бу қўшин асосан махсус ҳарбий таълим ва тайёргарликдан ўтган юқори малакали жангчилардан ташкил этилган. Қўшин тизимининг асосий хусусияти шундаки, бу жангчилар фақат ҳарбий хизмат билан шуғулланган ва бошқа фаолият билан банд бўлмаган. Улар давлат томонидан тўлиқ таъминланиб, мунтазам маош олган ва ҳарбий касб-ҳунарни мукамаллаштириш билан доимий шуғулланган. Бу тизим юқори профессионал даражани таъминлаб, жангчиларнинг доимий тайёргарлик ҳолатда бўлишини кафолатлаган.

Доимий қўшин таркибида турли бўлинмалар хусусан, отлик қўшинлар, пиеда жангчилар, камончилар, қалъага ҳужум мутахассислари ва махсус амалиётлар бўйича аскарлар бўлган. Ҳар бир бўлинма ўзининг аниқ вазифа ва масъулиятига эга бўлиб, бошқа бўлинмалар билан яхши мувофиқлаштириш асосида фаолият юритган²⁰.

Лашкар тизимидаги жангчилар нафақат ҳарбий малакага, балки юқори ахлоқий сифатларга ҳам эга бўлишлари керак эди. Улардан хоразмшоҳга ва давлатга мутлақ содиқлик кўрсатиш, қатъий интизом ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳини намоён этиш талаб қилинган. Бу омиллар қўшиннинг юқори жанг қобилиятини таъминловчи муҳим асос бўлган.

Мамлуклар – (дастлаб ҳарбий мақсадларда сотиб олинган ва кейинчалик ҳарбий хизмат эвазига юқори мартабаларга эришган қул жангчилар) Хоразмшоҳлар қўшинининг асосий кучини ташкил этган профессионал ҳарбий синфни ифодалаган. Улар ёшлигидан махсус ҳарбий таълим олган ва ҳарбий

¹⁹ Ibn al-Athir, Izz al-Din, 1160-1233 The chronicle of Ibn al-Athir for the Crusading Period from al-Kamil i'l-Ta'rikh Part 1: The Years 491-541/1097-1146: The Coming of the Franks and the Muslim Response, 2016. – 416 p.

²⁰ З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов- Ануштегинидов 1097 - 1231 гг. 3 ТОМ. 1-ТОМ. Т.: “БАКУ—ЭЛМ”, 1999. – С. 57-60.

санъатнинг барча соҳалари бўйича чуқур билимга эга бўлган. Мамлуклар ўрта аср ҳарбий ташкилотчилиги тарихида энг самарали тизимлардан бири ҳисобланган.

Мамлукларни тайёрланиш жараёни жуда қатъий ва тизимли амалга оширилган. Улар нафақат жанг санъати ва қурол ишлатиш техникасини ўрганган, балки ҳарбий стратегия, тактика, раҳбарлик қобилиятлари ва ҳатто маълум даражада давлат бошқаруви асосларини ҳам ўзлаштирган. Бу кенг қамровли таълим тизими уларни юқори малакали жангчи ва раҳбарларга айлантирган.

Мамлукларнинг ижтимоий мақоми ҳам юқори бўлган. Улар давлатда муҳим лавозимларни эгаллаш имкониятига эга бўлиб, кўплаб мамлуклар юқори ҳарбий мансаблар ва ҳатто вилоят ҳокими ўринбосари каби муҳим вазифаларни бажарган. Бу тизим уларнинг ҳарбий хизматга бўлган иштиёқини оширган ва давлатга содиқлигини мустаҳкамлаган²¹.

Мамлукларнинг этник жиҳатдан асосан турк бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этган. Турк жангчилар ўзларининг табиий ҳарбий қобилияти, отлик жанглarda маҳорати ва анъанавий ҳарбий маданияти билан машҳур бўлган. Бу хусусиятлар уларни Хоразмшоҳлар қўшинининг асосий кучига айлантирган.

Маҳаллий қўшинлар Хоразмшоҳлар ҳарбий тизимининг иккинчи муҳим омили бўлиб, зарурат туғилганда тез ташкил қилинадиган қўшимча кучларни ташкил этган. Бу қўшинлар асосан маҳаллий аҳолидан – деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқа касб эгалари орасидан шакллантирилган.

Маҳаллий қўшинларнинг асосий мақсади давлатнинг ҳарбий салоҳиятини сезиларли даражада ошириш ва доимий қўшиннинг юқини енгиллаштириш эди. Улар асосан мудофаа вазифаларини бажарган, маҳаллий ҳудудларни ҳимоя қилган ва доимий қўшин бошқа жойларда бўлганида хавфсизликни таъминлаган.

Маҳаллий қўшинларнинг ташкил этилиши вилоят ва маҳаллий даражада амалга оширилган. Ҳар бир вилоят ўзининг маҳаллий кучларига эга бўлиб, бу кучлар маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган. Зарурат туғилганда маҳаллий кучлар бирлаштириб, йирик жанглarda иштирок этиши мумкин эди²².

Маҳаллий жангчилар мунтазам ҳарбий машғулотлардан ўтиб, асосий ҳарбий кўникмаларни ўзлаштирган. Гарчи улар профессионал жангчилар даражасида бўлмаса ҳам, маҳаллий мудофаа ва қўллаб-қувватлаш вазифаларини самарали бажара олган. Улар шунингдек, маҳаллий шароитларни яхши билганлиги сабабли, ўз ҳудудларида жуда самарали ҳаракат қилган.

Хоразмшоҳлар қўшинида қатъий ҳарбий иерархия ва самарали бошқарув тизими мавжуд бўлган. Қўшиннинг энг юқори раҳбари хоразмшоҳнинг ўзи

²¹ Harezms̄ahlar devleti tarihi (485-618/1092-1221) Prof. Dr. İbrahim Kafesoğlu. 1972. – S. 63-66.

²² В. В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Санкт-Петербург. 1900. – С. 378-383.

бўлиб, у барча стратегик қарорларни қабул қилган ва муҳим жангларда шахсан раҳбарлик қилган.

Ҳарбий соҳада хоразмшоҳдан кейин энг муҳим ҳарбий лавозим сипоҳсолор (Бош қўмондон) бўлган. Сипоҳсолор бутун қўшиннинг кундалик фаолиятини бошқарган, ҳарбий амалиётни режалаштирган, амалга оширган ва хоразмшоҳга ҳарбий масалалар бўйича маслаҳат берган. Бу лавозимни одатда энг тажрибали ва ишончли ҳарбий раҳбарлар эгаллаган.

Шунингдек, қўшин таркибида турли даражадаги қўмондонлар – амир, сарбоз, юз боши, минг боши каби мансаблар бўлган. Ҳар бир мансаб эгаси ўзининг аниқ ваколат ва масъулиятига эга бўлиб, қатъий иерархик тамойилга асосланган. Бу иерархик тизим қўшиннинг самарали бошқарувини ва тезкор қарорлар қабул қилишни таъминлаган. Ҳарбий раҳбарлар нафақат профессионал малакага, балки раҳбарлик қобилиятига ҳам эга бўлишлари керак эди. Улар ўз қўшинидаги жангчиларнинг аҳволи билан қизиқиб, уларнинг тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек, жанговарлигини юқори даражада сақлаш масъулиятини ҳам олган²³.

Хоразмшоҳлар қўшинида ҳарбий таълим ва тайёргарлик тизими жуда пухта ташкил этилган. Жангчилар мунтазам ҳарбий машғулотлардан ўтиб, ўзларининг жанг маҳоратини ривожлантирган ва янги ҳарбий техникаларни ўзлаштирган.

Ҳарбий таълим жараёни бир неча босқичдан иборат бўлиб, дастлабки босқичда ёш жангчилар асосий ҳарбий кўникмаларни – қурол ишлатиш, отда жанг қилиш, жисмоний тайёргарлик ва ҳарбий интизомни ўзлаштирган. Кейинги босқичларда улар мураккаб ҳарбий стратегия ва тактика бўйича билим олган.

Ҳарбий машғулотлар мунтазам ўтказилган. Жангчилар турли ҳарбий вазиятларда ҳаракат қилишни ўрганган. Хусусан, қалъага ҳужум, очиқ майдонда жанг, камон отиш, қиличбозлик ва отда жанг қилиш каби ҳарбий санъат турлари бўйича тайёргарлик машғулотлари ўтказилган²⁴.

Хоразмшоҳлар армияси ўз даври учун илғор қурол-яроғ ва жанг усуллари билан таъминланган. Бу давлатнинг ҳарбий кучи асосан уч асосий қисмга – отлик сипоҳийлар, пиёда аскарлар ва махсус техник бирликлардан иборат бўлган.

Отлик жангчилар (сипоҳий) армиянинг асосий кучини ташкил этган. Улар зирҳланган кийим бош кийишган, камондан ташқари қилич, найзалар билан қуролланган. Хоразмшоҳларнинг отлик қўшинлари ўз вақтида Евросиё чўлларида кенг фойдаланилган тез ҳаракат қилиш ва ҳийла тактикасини қўллаган. Сипоҳийлар асосан икки гуруҳга бўлинган: оғир қуролланган отлик сипоҳийлар қалъа ҳужумларида ва олдинги қаторларда жангда иштирок этган.

²³ Harezms̄ahlar devleti tarihi (485-618/1092-1221) Prof. Dr. İbrahim Kafesoğlu. 1972. – S. 194-196.

²⁴ Harezms̄ahlar devleti tarihi... S.198-201

Енгил қуролланган отлиқлардан эса разведка, таъқиб қилиш ва айланма ҳужумларда фойдаланилган.

Қалъани ўраб олиш, қамал қилиш учун Хоразмшоҳлар армиясида махсус техника ва мутахассислар бўлган. Уларда манжаниқ (тош отувчи қурилмалар), қаср бузувчи махсус асбоблар, нарвонлар ва туннел қазилар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар мавжуд эди. Айниқса, Самарқанд ва Бухоро каби йирик шаҳарларни забт этишда бу техникалар муҳим рол ўйнаган. Муҳосара техникаси фақат қурилмалар билан чекланмаган. У муҳандислик, сув йўллари тўсиш ва шаҳар иқтисодиётини бузиш стратегияларини ҳам ўз ичига олган²⁵.

Хоразмшоҳлар армиясининг стратегик ғояси географик ҳолатига мос равишда шакллантирилган. Улар жанубда салжукийлар ва шарқда қорахитойлар билан курашда ўзларининг мудофаа ва ҳужум тактикаларини мукаммаллаштирган. Армия бошқаруви юқори даражада марказлаштирилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида бир нечта жабҳада жанг олиб бориш имкониятига эга бўлган. Хоразмшоҳ армиясининг бошқарув тизими юқори даражада ташкил этилган. Бу тизим иерархик тузилмага эга бўлиб, аниқ бўлиниш ва масъулият тақсимооти мавжуд эди.

Хоразмшоҳлар давлатида мураккаб ва яхши ташкил этилган солиқ тизими жорий этилган. Бу тизим давлатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва кенг ҳудудларни бошқариш учун зарур бўлган молиявий манбаларни яратишга хизмат қилган. Давлат даромади асосан қуйидаги манбалардан ташкил топган.

Хирож (ер солиғи) давлатнинг асосий даромад манбаи бўлиб, бу солиқ тури қишлоқ хўжалиги экинларидан, боғлардан ва чорвачилик учун фойдаланиладиган ерлардан олинган. Хирож миқдори ернинг унумдорлиги, сув таъминоти ва маҳсулот турига қараб белгиланган. Дехқонлар бу солиқни асосан табиийлаштириб, яъни ҳосили йиғиб олинган маҳсулотнинг бир қисми сифатида тўлаган. Хоразм вилоятида буғдой, арпа, пахта ва мевалар асосий хирож манбаи бўлган. Солиқ йиғувчилар маҳаллий амалдорлар томонидан назорат қилинган ва улар ернинг ўлчамини, унумдорлигини ва экин турларини қайд этиб турган.

Ушр (ўндан бир қисм) асосан мусулмон аҳолидан олинадиган давлат солиғи. Бу солиқ турида ҳосилнинг ўндан бир қисми давлатга тўланар эди. Ушр нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан, балки савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик даромадларидан ҳам олинган. Бу солиқ ислом қонунларига мувофиқ йиғилган ва унинг бир қисми маҳаллий диний эҳтиёжлар учун ажратилган.

Жизя (мусулмон бўлмаган аҳолидан олинадиган солиқ) Хоразмшоҳлар давлатидаги насроний, яҳудий ва зардуштий аҳолидан олинадиган махсус солиқ

²⁵ History of the Mongols: based on Eastern and Western accounts of the thirteenth and fourteenth centuries by Bertold Spuler. P.: New York, Dorset Press, 1988. – P. 43.

тури. Бу солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволига қараб белгиланган. Жизя тўлаш орқали ғайримуслимлар давлат ҳимоясидан фойдаланиш ва ўз динларига эркин амал қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу солиқ тури давлатнинг диний хилма-хилликни қабул қилиш сиёсатини акс эттиради.

Тижорат солиқлари савдо-сотик фаолиятдан олинадиган солиқлар бўлиб, уларга бозор солиғи, савдогарлар тўловлари кирган. Хоразмшоҳлар давлати Ипак йўлининг муҳим қисми бўлганлиги сабабли, тижорат солиқлари давлат газнасининг муҳим қисмини ташкил этган. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқдаги бозорлар учун алоҳида солиқ меъёрлари бўлган²⁶.

Хоразмшоҳлар давлатида ягона ва барқарор пул тизими жорий этилган. Бу тизим давлатнинг иқтисодий бирлигини мустаҳкамлаш ва савдо-сотик фаолиятини осонлаштириш мақсадида ташкил этилган.

Кумуш дирҳам асосий пул бирлиги бўлиб, кундалик савдо-сотик ва кичик миқдордаги тўловлар учун кенг қўлланилган. Дирҳамлар маҳаллий конларда зарб қилинган ва уларнинг оғирлиги ҳамда кумуш таркиби қатъий назорат қилинган. Ҳар бир дирҳамда хоразмшоҳнинг исми, тахтга чиққан йили ва зарб қилинган шаҳар номи кўрсатилган. Хоразм, Гурганж, Кат ва бошқа йирик шаҳарларда дирҳам ишлаб чиқариш зарбхоналари бўлган.

Олтин динар юқори миқдордаги тўловлар, қўшни давлатлар билан савдоларда ва давлат даражасидаги молиявий ишлар учун ишлатилган. Динарлар дирҳамларга нисбатан анча кам ишлаб чиқарилган ва асосан савдогарлар, давлат амалдорлари ва бой табақалар томонидан фойдаланилган. Олтин динарлар Хоразмшоҳлар давлатининг иқтисодий қудратини намоён этиш воситаси ҳам бўлган²⁷.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Хоразмшоҳлар давлати (XII-XIII асрлар) ўрта аср Ислом оламининг қудратли давлатларидан бири бўлиб, унинг ҳуқуқ, ҳарбий ва солиқ, умуман давлатчилик тизими юқори даражада ташкил этилган.

Ҳуқуқий тизим шариат қонунлари ва маҳаллий урф-одатларнинг муваффақиятли синтези асосида ташкил этилган. Ёш қозиларни ўқитиш ва вазифага тайинлашда уларнинг одоб-ахлоқи, айрим ҳолатларга уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳам инобатга олинган. Қозилик вазифасига тайинлашда ота-боболари қозилик вазифасида хизмат қилган номзодларга устунлик берилган. Умуман, қозилик вазифаларига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган. “Қозиюл қуззот” бошчилигидаги Суд тизими барча ҳуқуқий масалалар бўйича қарорлар қабул қилган. Аммо асосий масалалар билан боғлиқ ишларда

²⁶ Harezms̄ahlar devleti tarihi (485-618/1092-1221) Prof. Dr. İbrahim Kafesoğlu. 1972. – S. 163 -167.

²⁷ З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов - Ануштегинидов 1097 - 1231 гг. 3 ТОМ. 1-ТОМ. Т.: “БАКУ—ЭЛМ”, 1999. – С. 75-81.

якуний қарор Хоразмшоҳ томонидан қабул қилинган. Қозилар нафақат жиноят, фуқаролик ишлари билан шуғулланишган, вазият тақазосига қараб ҳукмдорларга маслаҳатчи ва элчилик билан боғлиқ вазифаларини ҳам бажарган.

Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий тизими самарали жорий этилгани қисқа муддатда катта ҳудудларни эгаллашга имкон берган. Ҳарбий хизматни ўташ, ҳарбий ҳаражатлар, қўшин тури ва уланинг вазифаси аниқ белгилаб қўйилган. “Девон-ал-жойиш” томонидан бошқариладиган ҳарбий тузилма қатъий иерархия ва юқори ташкилотчилик билан ажралиб турган. Отлиқ сипоҳийлар, пийда аскарлар ва муҳосара техникаси армиянинг асосий кучини ташкил этган.

Давлатнинг асосий вазифаларидан бири солиқ тизими ҳам самарали жорий этилган. Самарали солиқ сиёсати давлатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган. Солиқ турлари орасида хирож (ер солиғи), ушр (ўндан бир қисм), жизя (ғайримуслимлардан олинадиган солиқ) ва тижорат солиқлари давлатнинг асосий даромад манбалари бўлган. Савдо-сотик ишларида кумуш ва олтиндан ишланган пул тизими жорий этилган. Яқин ва узоқ давлатлар билан самарали савдо алоқалари ўрнатилган.

Умуман олганда, Хоразмшоҳлар давлати Ўрта Осиё ва Шарқ давлатларида ўрта асрлар давлат бошқарувига хос бўлган шариат ва маҳаллий анъаналарни уйғунлаштирган, қудратли армияга эга бўлган ва самарали солиқ сиёсати юритилган илғор давлатлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bosworth, C.E. [History of Civilizations of Central Asia](#) (en). UNESCO, 1 January 1998 — 164-bet. [ISBN 978-92-3-103467-1](#). „This dynasty eventually built up, as the Seljuq empire in the east tottered to its close, the most powerful and aggressively expansionist empire in the Persian lands, in the end defeating their rivals for control of Khurasan, the Ghurids of Afghanistan, threatening western Persia and Iraq and the Abbasid caliphate itself, and only disintegrating under the overwhelming military might of the Mongol invaders in the opening decades of the thirteenth century.“
2. Turchin, Peter; Adams, Jonathan M.; Hall, Thomas D (December 2006). “[East-West Orientation Of Historical Empires](#)”. Journal of World-Systems Research 12 (2): 222. [ISSN 1076-156X](#). Qaraldi: 12 September 2016. Xorazmshohlar davlati
3. [Rein Taagepera](#) (September 1997). “[Expansion and Contraction Patterns of Large Polities: Context for Russia](#)”. [International Studies Quarterly](#) 41 (3): 497. [doi:10.1111/0020-8833.00053](#).
4. <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/78>

5. K.E.Bosworth. The medieval history of Iran, Afghanistan, and Central Asia. T,: London : Variorum Reprints, 1977. – P. 311-321
6. Империя Хорезмшахов. Станислав Чернявский – М.: Вече, 2018. – С. 91-95.
7. М.Гурбуз. Хоразмшоҳларда давлат ташкилотлари, иқтисодий ва маданий ҳаёт. “Огахий” нашриёт матбаа. Урганч-2022. – Б. 240-245.
8. Шукру ўзан «Қозиюл қуззот», ДИҚ, XXIV жилд, 77-82 саҳ.
9. Рашидуддин Ботбот, «Абкоруъл-афкор», 34-37 варақ; Тўйсаркониий, н.а.а, 74-77 саҳ.
- 10.Рашидуддин Ботбот, н.а.а, ўша жой; Тўйсаркониий, н.а.а, 74 саҳ.
- 11.Бағдодий, н.а.а, 53 саҳ
- 12.Хўрст, 3 ДМГ, 32 с.
- 13.Хўрст, ўша жой.
- 14.Ибн Биби, н.а.а., 1-жилд, 375-377 с.
- 15.Махмат Ипширли, «Козаскар» ДИҚ, XXV жилд, 140 саҳ; Cl, Huait, «Karaskar» И. Қ. VI жилд, 522 саҳ.
- 16.Насавий, форсча, 42 саҳ.
- 17.Насавий, форсча, ўша жой.
- 18.<http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/78>
- 19.Ibn al-Athir, Izz al-Din, 1160-1233 The chronicle of Ibn al-Athir for the Crusading Period from al-Kamil i'l-Ta'rikh Part 1: The Years 491-541/1097-1146: The Coming of the Franks and the Muslim Response, 2016. – 416 p.
- 20.З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов- Ануштегинидов 1097 - 1231 гг. 3 ТОМ. 1-ТОМ. Т.: “БАКУ—ЭЛМ”, 1999. – С. 57-60.
- 21.Harezmshahlar devleti tarihi (485-618/1092-1221) Prof. Dr. İbrahim Kafesoğlu. 1972. – S. 63-66.
- 22.В. В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Санкт-Петербург. 1900. – С. 378-383.
- 23.Harezmshahlar devleti tarihi (485-618/1092-1221) Prof. Dr. İbrahim Kafesoğlu. 1972. – S. 194-196.
- 24.Harezmshahlar devleti tarihi... S.198-201
- 25.History of the Mongols: based on Eastern and Western accounts of the thirteenth and fourteenth centuries
- 26.by Bertold Spuler. P.: New York, Dorset Press, 1988. – P. 43.
- 27.Harezmshahlar devleti tarihi (485-618/1092-1221) Prof. Dr. İbrahim Kafesoğlu. 1972. – S. 163 -167.
- 28.З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов - Ануштегинидов 1097 - 1231 гг. 3 ТОМ. 1-ТОМ. Т.: “БАКУ—ЭЛМ”, 1999. – С. 75-81.